



ОККАЗИОНАЛ ҚЎШМА СЎЗЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШДА БЕЛГИЛАР ҚАТЛАМИНИНГ ЎРНИ

Ахмедов Анвар Ботирович,

ҚарДУ филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Таянч сўзлар: *оказионал сўз, лугавий бирлик, таянч сўз бирикмаси, ҳақиқий ёки хаёлий сифат, сабаб ёки мақсад, мансублик, ҳол билан ифодаланган алоқалар, белгисига кўра қиёслаш, кучайтирувчи белгилар қатлами.*

Янги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг юзага келиши, илм-фан ва техника соҳасидаги кашфиётлар, санъат ва маданиятнинг ривожланиши, буларнинг барчаси неологизмлар пайдо бўлишига олиб келади. Тилда пайдо бўлган у ёки бу неологизмнинг муаллифини аниқлаш жуда қийин, баъзан бунинг мутлақо иложи йўқ. Янги сўзлар, гўё тилнинг ичида туғилади. Бу ўринда, уларга умумтил неологизмлари дея таъриф бериш тўла ўринли [2, 119]. Бундай сўзлар тилда маълум вақт неологизм сифатида қўлланади, кейин эса тилнинг асосий лексик таркибига ўтади ва янгилик хусусиятини йўқотади. Шу билан бирга, неологизмларнинг алоҳида бир гуруҳи ҳам борки, уларнинг пайдо бўлиши маълум бир ёзувчининг услуги билан боғлиқ. Одатда, улар ўз муаллифи ижоди доирасида қўлланади [3, 204]. Маълум бир хаётий вазиятни акс эттириш учун ёзувчилар томонидан яратиладиган бундай

неологизмларни ҳозирги тил тизими ҳодисаси деб ҳисобламаслик керак, зеро, улар вақтинчалик ёки ситуатив ҳодисани ифодалайди [6, 117]. Шунинг учун ҳам, бу каби бир марталик янги сўзлар тилда тасодифий (конкрет вазиятга ўта мослашган) ёки окказионал сўзлар деб аталади [5, 88-89].

Тилнинг луғат таркибидан ўрин олмаган қатламларни доимий равишда янги сўзлар билан тўлдириб борувчи мураккаб номинатив бирликлар деривацияси кўп жихатдан тегишли белгилар қатламига (БҚ) мансуб у ёки бу белгини индивидуал тарзда танлаб олиш билан боғлиқ. Бундай бирликлар таркибида окказионал қўшма сўзлар алоҳида ўринга эга.

Узуал (кодификация қилинган 1- жадвалга қаранг) ва окказионал (кодификация қилинмаган 2- жадвалга қаранг) қўшма сўзларни қиёслаймиз.

1- жадвал

Узуал (кодификация қилинган) қўшма сўзлар

№	Белгилар қатлами (БҚ)	Луғавий бирлик	Таянч сўз бирикмаси (ички синтагма, синтема)
1	Ҳақиқий ёки хаёлий сифат	Blauhimmel Gebrauchtwagen	blauer Himmel gebrauchter Wagen
2	Сабаб ёки мақсад	Schreibfeder giftgrün schamrot	Feder zum Schreiben giftiges Grün rot aus Scham
3	Мансублик	Dornbusch Kartoffelsuppe Tischbeine	Busch mit Dornen Suppe aus Kartoffeln Beine eines Tisches
4	Ҳол билан ифодаланган алоқалар ўрин (loci.) пайт (temp.) жараён (proz.) социал (soz.)	Alpenflug Julihitze —	Flug über die Alpen Hitze im Juli —



	интим (intim.) нисбий (relat.)	— — —	— — —
5	Белгисига кўра қиёслаш (compar.)	Staubregen	Regen wie Staub
6	Кучайтирувчи positiv: Negativ:	bombensicher Hundekälte	— —

Изоҳ 1.:

2- устунда белгилар қатламининг халқаро номлари қавс ичида қисқартирилган ҳолда берилди;

3- устунда узуал қўшма сўзларга мисоллар келтирилди;

4- устунда узуал қўшма сўзларга мос келувчи таянч сўз бирикмалари берилди.

2- жадвал

Окказионал (кодификация қилинмаган) қўшма сўзлар

№	Белгилар қатлами (БК)	Луғавий бирлик (ОС)	Таянч сўз бирикмаси (ички синтагма, синтема)
1	Ҳақиқий ёки хаёлий сифат	rotbemüht (Lenz) todviolett (Segh.) Zitterhand (Zech.)	mit roter Mütze Tod (bringendes) Violett zitternde Hand
2	Сабаб ёки мақсад	Frostgrün (Str.) Mondrausch (Borch.) regenmüde (Semml.)	grün im Frost Rausch vom Monde müde vom Regen
3	Мансублик	Kellnergesicht (Segh.) Smaragdäugig (Borch.)	Gesicht des Kellners mit Augen wie Smaragd
4	Ҳол билан ифодаланган алоқалар ўрин (loci.) пайт (temp.) жараён (proz.) социал (soz.) интим (intim.) нисбий (relat.)	 Klavierhände (A.Zweig) Süderde (Lasker) Damals-Sekunde (M.Walser) Septemberwind (A.Zweig) — kleinleutig (A.Zweig) Evelyngrün (Borch.) —	 Hände auf den Klaviertasten Erde im Süden — Wind im September — Eine Art wie bei den kleinen Leuten — —
5	Белгисига кўра қиёслаш (compar)	Haarölstimme (Tuch.) mädchenaugenblau (Semml.) tausendpistolenscharf (M.Walser)	Stimme wie Haaröl blau wie die Augen eines Mädchens scharf wie der Schuß aus Tausend Pistolen
6	Кучайтирувчи (elativ)	—	—

Изоҳ 2.:

2- устунда белгилар қатламининг халқаро номлари қавс ичида қисқартирилган ҳолда берилди;



3- устунда окказионал сўзлардан сўнг уни яратган ижодкорнинг исми ва фамилияси қисқартирилган ҳолда берилди;

4- устунда окказионал қўшма сўзларга мос келувчи таянч сўз бирикмалари берилди.

Юқорида келтирилган окказионал қўшма сўзларнинг белгилар қатламига кўра фарқланишини куйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Ҳақиқий ёки хаёлий сифат белгилар қатламига тегишли бўлган, деривацион жиҳатдан фаол окказионал қўшма сўзлар гуруҳига куйидагилар киради:

1) А + S2 қолипи бўйича ясалган таянч сўз бирикмаси билан боғланган окказионал сўзлар. Масалан: *Grautag* (Ehrenstein), *Grauhimmel* (Friedländer), *Zartseele* (Ehrenstein), *Müdschritt* (Liebmann), *Blauhauch* (Däubler), *Moralmensch* (A.Zweig), *Tiefschlaf*, *Neugierhände*, *Grauschnee*, *Irraugen* (E.Strittmatter). Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, бу турдаги окказионал қўшма сўзлар синоним сўз бирикмасига осонлик билан қайта ўзгариши мумкин. Бу ҳолда қўшма сўзга хос окказионаллик жиҳати уни сўз бирикмаси билан қиёслашда кўринади, яъни сўз бирикмаси ҳозирги немис тили сўз ясалиш меъёрига жавоб беради. Бироқ, қўшма сўз - окказионалдир. Сўз бирикмаси ва окказионал қўшма сўз компонентлари ўртасидаги семантик боғланишга келсак, улар бир хил. Қиёслаймиз: *Rotsonne – die rote Sonne*.

2) иккинчи компонент денотати томонидан амалга оширилган ҳаракат ёки юзага келтирилган вазият биринчи компонент томонидан ифода этилган окказионал қўшма сўзлар. Бундай ҳаракат ёки ҳолат денотатга хос хусусиятдир. Бошқача айтганда, окказионал қўшма сўзнинг биринчи компоненти феъл асосидан ясалган, шундай бўлса-да, сўз бир лаҳзада сўз бирикмасига айланиб кетиши мумкин. Масалан:

Zitterlicht (Däubler) – *zittriges Licht*; *das Licht zittert*;

Zwitschertier (Strittmatter) – *zwitscherndes Tier*; *das Tier zwitschert*.


3) ҳақиқий ёки хаёлий сифат белгилар қатламига мансуб окказионал қўшма сўзларнинг учинчи гуруҳини «сохта сифатдошлар» деб аталадиган ёки *blaubescheit* (Borchert), *rotbemüht* (Lenz) типидagi «Scheinpartizipia, яъни сохта сифатдошлар» ташкил қилади.

4) тўртинчи гуруҳга предмет ёки ҳодисага хос деб қаралган хаёлий (тасаввурдаги) белгини биринчи компонент (K1) ифода этадиган сифатлар киради. Буни *todviolett* (A.Seghers) окказионал сўзи мисолида кўриш мумкин.

Ҳақиқий ёки хаёлий сифат белгилар қатламига шунингдек, биринчи ва иккинчи компонент айнан бир денотат билан боғланган, яъни биринчи компонент иккинчисига тенг (K1 = K2) деб қараладиган окказионал қўшма сўзлар ҳам киради. Томас Манн томонидан ижод қилинган *Königsknabe* («фиръавн-бола»), *Göttin-Witwe* («бева-маъбуда») окказионал қўшма сўзлари бунга яққол мисол бўлади. Бундай окказионал қўшма сўзлар икки ўзаро синоним сифатнинг бирикишидан ясалиши ҳам мумкин, масалан, *verrückttoll* [1, 130].


2. Сабаб ёки мақсад белгилар қатламига мансуб сўзлар гуруҳига сабаб ёки мақсад белгисини иккинчи компонент денотати ифода этадиган окказионал қўшма сўзлар киради. Бундай окказионал қўшма сўзлар билан «**K2 + Pr. (zum, gegen, aus, vor) + K1**» қолипи бўйича ясалган предлогли сўз бирикмаси расман мос келади. Бу қолип бўйича ясалган окказионал қўшма сўзларга *angstblau – blau aus Angst*; *schamrot – rot aus Scham* (Borchert) каби қўшма сифатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Айрим окказионал қўшма отлар маъноси бўйича сабаб ёки мақсад белгилар қатламига тегишли бўлса ҳам структурасига кўра контаминация усулида ясалган. Масалан, *Notgespinst* (Th.Mann) окказионал сўзи мисолида қиёслаймиз (1-расмга қаранг).



1- расм. *Notgespinst* окказионал сўзининг контаминация усулида ясалishi.

Шунингдек, баъзи окказионал кўшма сўзлар контекстни элиминация қилиш (қисқартириш) натижасида ясалган. Буни қуйидаги чизма намунасида кўришимиз мумкин (1-чизмага қаранг).



1- чизма. *Raupengeld* окказионал сўзининг контекстни қисқартириш натижасида ясалishi.

verdientes Geld für das Lesen der Raupen im Garten → **Geld für das Raupenlesen** → **Raupengeld (Strittmatter).**

3. Мансублик белгилар қатлами деривацион фаоллиги билан ажралиб туради. Бу қатламга окказионал кўшма сўзлар ёки уларнинг ёзувчилар томонидан яратилган алоҳида гуруҳлари киради. Қуйидаги мисоллар намунасида киёслаймиз:

Wasser -wand, -gitter, -stäbe ← *Wand, Gitter, Stäbe aus Wasser* (M.Walser);

Orli -wimper, -pore, -bewegungen; ← *Wimper, -Pore, -Bewegungen mit Orli* (M.Walser);

ich - Anselm (M.Walser);

millionenfenstrige Stadt

(Borchert) ← *eine Stadt mit Millionen Fenstern;*

Schalmädchen (Weinert) ← *das Mädchen mit einem Schal (um den Hals).*

Мансублик белгилар қатламига кирадиган окказионал кўшма сўзларнинг биринчи (K1) ва иккинчи (K2) компонентлари орасида қарамлик муносабати мавжуд. Улар орасида, аввало, қуйидаги гуруҳлар фарқланади:

1) икки жihatдан иборат окказионал кўшма сўзлар. Бундай окказионал кўшма сўзларга синоним бўлган таянч сўз бирикмалари контекстга боғлиқ ҳолда қуйидаги муносабатларни ифодалаш мумкин:

– окказионал кўшма сўзда бўлгани каби бевосита мансублик муносабатини, масалан:

Greisenhand (E.Strittmatter) ← *die Hand des Greisen;*

Kellnergesicht (A.Seghers) ← *das Gesicht des Kellners.*

– кўшма сўзнинг биринчи ва иккинчи компоненти ўртасидаги киёсий мансублик муносабатини. Бу ҳолда таянч сўз бирикмаси S2 wie S1 қолипи бўйича ясалади, масалан:

eine Hand wie die Hand eines Greisen → *Greisenhand;*

ein Gesicht wie das Gesicht eines Kellners → *Kellnergesicht.*

2) “Pron. + S2präp” қолипи бўйича ясалган окказионал кўшма сўзлар. Масалан: *ich - Anselm, mir Anselm* (M.Walser). Окказионал кўшма сўзларнинг ушбу гуруҳига иккинчи компонент денотатига хос бўлган ва кўшма сўзнинг



умумий маъносини аниқлаб берадиган хусусиятни биринчи компонент ифода этган кўшма сўзларни ҳам киритиш мумкин. Масалан: *Samtbandmädchen* (Strittmatter) → *Mädchen mit einem Samtband in den Haaren*;

Schalmädchen (Weinert) → *Mädchen mit einem Schal*.

4. Ҳол билан ифодаланган алоқалар белгилар қатламига компонентлари орасидаги боғланиш ўрин-жой ёки йўналишни кўрсатиш хусусиятига эга бўлган окказионал кўшма сўзлар киради. Компонентларнинг бундай боғланиши натижасида иккинчи компонент томонидан ифодаланган денотат қаерда жойлашганлиги ёки қайси томонга ҳаракатланишини аниқлашади. Шунингдек, бундай окказионал кўшма сўзларда биринчи ва иккинчи компонент денотатларининг замон нуқтаи назаридан боғлиқлиги (қачон?) ёки ҳаракат тарзи (қай тарзда?) ҳам ўз ифодасини топади. Масалан:

Mainachtluft (Lotzer) → *Luft in der Mainacht*;

Novemberfenster (E.Strittmatter) → *die Fenster im November*;

Septemberwind (A.Zweig) → *der Wind im September*;

Steppenschnee (E.Strittmatter) → *Schnee in der Steppe*.

Юқоридагилардан ташқари, ушбу гуруҳга маъноси каттароқ контекстда ойдинлашадиган кўшма сўзлар ҳам киради. Масалан: “*Damals-Sekunde*” (M.Walser) окказионал кўшма сўзи бунга яққол мисол бўлади.

5. Асосида қиёслаш мавжуд бўлган окказионал кўшма сўзлар алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Э.Ризель бундай окказионал қиёслашнинг қуйидаги характерли хусусиятини кўрсатиб ўтади: «кўшлаб («Fülle») образли ассоциацияларни ўзида мужассамлаштирган тил ифода воситалари тежамкорлиги намунаси» [4, 131]. Одатда, бундай ҳолда компонентлардан бири (баъзан бир бутун ҳолда кўшма сўз) да метафорик кўчим содир бўлади. Қиёсий окказионал кўшма сўзлар ясашида

кундалик ҳаёт ва одатий вазиятдаги типик образлардан фойдаланилади. Инсон сезги органлари орқали қабул қилинадиган воқеликдаги ҳар қандай предмет ёки ҳодиса «қиёслаш база»си (tertium comparationis) сифатида олиниши мумкин. Масалан: шакл, овоз, ранг, ҳарорат, ҳаракат ва б. Мисолларга мурожаат қиламиз:

Haarölstimme (Tucholsky) → *Stimme wie Haaröl*

mädchenaugenblau (Semmler) → *blau wie die Augen eines Mädchens*

tausendpistolenscharf (M.Walser) → *scharf wie der Schuß aus Tausend Pistolen*.

Иккинчи компонент томонидан ифодаланган предметнинг шакли ёки хусусияти биринчи компонент томонидан ифодаланган предметнинг шакли ёки хусусияти билан қиёсланади; иккинчи компонент томонидан ифодаланган предметнинг қайтадан тикланган ҳаракати ёки овози, биринчи компонент томонидан ифодаланган предметнинг қайтадан тикланган ҳаракати ёки овозига ўхшатилади:

1) қиёсланувчи предметларнинг шакли «қиёслаш базаси» сифатида. Масалан: *Kugelwaden* – «*Das kalte Wasser beschwappte die Kugelwaden der Wehmutter*» [7, 14]. Бу сўзнинг маъноси контекстда *Waden wie eine Kugel*, яъни «шар каби юмалоқ болдир...» тарзида очилади.

Schlangenzwurzeln – «*Die Schlangenzwurzeln des Queckenrasens knackten aufregend*» [7, 259]. Бу окказионал сўз контекст доирасида *Wurzeln wie eine Schlange* «илонга ўхшаш томир (илдиз)лар...» маъносига эга бўлади.

Spitztütengesicht – «*Der Bauer mit dem Spitztütengesicht*» [8, 99]. Мазкур окказионал сўз асосида қуйидаги қиёслаш мавжуд: *Gesicht wie eine Spitztüte* «деҳқоннинг шаклан пакет (халта)чага ўхшайдиган юзи».

2) ўзаро қиёсланувчи предметларнинг хусусиятларидан бири «қиёслаш базаси» сифатида. Масалан: *Daunenlippen* – «*Sein Mund wurde ihm zgedrückt, nicht von Gott - von Marlen. Sie tat es mit ihren*



Daunenlippen» [7, 121]. Ушбу окказионал сўз асосида эса қуйидаги қиёслаш мавжуд: **Lippen wie eine Daune** «пардек юмшоқ лаблар».

Krähenklekse – «*Gingen wir ins Haus zurück, wurden die grauen Krähenklekse auf dem Schenkenfrist lebendig*» [8, 72]. Контекстда қарғалар патининг ранги сиёҳдон билан қиёсланади: **Krähen wie eine Klekse** «патининг ранги билан сиёҳдонни эслатувчи қарғалар».

Mückenbeinfingerchen – «*Sie streichelte mit ihren Mückenbeinfingerchen sacht über seinen Handrücken*» [7, 226].

Контекстда асар қаҳрамонининг бармоқлари пашша панжалари билан қиёсланади: **Fingerchen wie ein Mückenbein** «пашша панжасига ўхшаш енгил бармоқлар».

3) қиёсланувчи предметлар томонидан қайта тикланган ҳаракат ёки овоз «қиёслаш базаси» сифатида. Масалан: **Uhrfederstimme** – «*Freilich, haspelt Bremmes Uhrfederstimme, und sein Mund spuckt einen breiten Kleks Priemlaug gegen einen Baum*» [10, 276]. Контекстда асар персонажи Бремнинг овози бураб қўйилган соат пружинасининг жириглаган товуши билан қиёсланади: **Stimme wie eine Uhrfeder** «бураб қўйилган соат пружинасининг жириглашига ўхшаган овоз».

Zopfschaukel – «*Das Glück? Stefanie schüttelt sich. Ihre Zopfschaukel wippt auf dem Rücken*» [9, 9]. Бу сўз асосида қуйидагича қиёслаш мавжуд: **Schaukel wie ein Zopf** «Арғимчоқдек тебрана бошлаган кокил (соч ўрими)». Бу ерда, арғимчоқнинг ҳаракати, қизнинг елкасида тебранаётган кокил (соч ўрими) билан қиёсланмоқда.

6. Кучайтирувчи белгилар қатламига келсак, бундай белгига эга сўзлар окказионал қўшма отлар орасида учрамайди. **Hundekälte, bombensicher** каби кучайтирувчи белгилар қатламига эга узуал қўшма сўзларда биринчи компонентлар денотатив маъносини бутунлай йўқотган.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда окказионал қўшма сўзларни тизимлаштиришда асос вазифасини бажарадиган қуйидаги белгилар қатламини алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

- 1) ҳақиқий ёки хаёлий сифат;
- 2) сабаб ёки мақсад;
- 3) мансублик;
- 4) ҳол билан ифодаланган алоқалар;
- 5) белгисига кўра қиёслаш;

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, қўшма сўзнинг инновацион қурилиши бир бутун бирикма ҳосил қилиш жараёнида компонентларнинг фарқловчи вазифаларига асосий эътибор қаратишни тақозо этади: иккинчи компонентнинг танлаш хусусиятига асосланган вазифаси ҳамда биринчи компонент эга бўлган бириктирувчилик вазифаси. Иккинчи компонентнинг бу функционал хусусиятига боғлиқ ҳолда, биринчи компонентнинг белгига оид маъноларидан бири реаллашади. Биринчи компонентнинг иккинчи компонент билан бирикиш имкониятлари шкаласи (яъни, биринчи компонент белгига оид маъносининг реаллашуви), кўпинча, комбинациянинг фойдаланилмаган имкониятларини намоён қилади. Бадиий асарлар тилида, улар ижодкорлар учун неологизм ва окказионализмларни ижод қилиш, яратиш жараёнида бой манба бўлиб хизмат қилади.

Окказионал қўшма сўз компонентлари орасидаги боғланишни ўрганишда қуйидаги фарздан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ: қўшма сўзнинг иккинчи компоненти тушунча орқали аниқланувчи «луғавий майдон»ни ифодалайди, шу билан бир вақтда, биринчи компонент каби мазкур луғавий майдоннинг алоҳида элементлари ўртасидаги фарқларни ёки, бошқача айтганда, белгини кўрсатади. Бинобарин, окказионал қўшма сўз биринчи компоненти «белгилар қатлами» сифатида намоён бўлади.



Адабиётлар:

1. Бушуй А.М. Тавтологическая атрибутивная группа имени существительного (На материале современного немецкого языка) // Вопросы романо-германского и общего языкознания. Труды СамГУ. Новая серия, выпуск № 174. – Самарканд, 1970. – С.102-144.
2. Fill A. Sprachökologie und Ökolinquistik. – Tübingen: Stauffenburg Verlag, 2006. – X, 300 S.
3. Lemnitzer L. Akquisition komplexer Lexeme aus Textkorpora. – Tübingen: Max Niemeyer Verlag, 2009. – 259 S.
4. Riesel E. Stilistik der deutschen Sprache. –2. durchgesehene Auflage. – M.: Hochschule, 1963. – 487 S.
5. Schwarz M. Einführung in die kognitive Linguistik. – Tübingen: A.Francke Verlag, 2006. – 238 S.
6. Stehl Th. Dialektgenerationen, Dialektfunktionen, Sprachwandel.– Tübingen: Gunter Narr Verlag, 2007. – 400 S.
7. Strittmatter E. Wundertäter. – Berlin und Weimar: Aufbau-Verlag, 1972. – 460 S.
8. Strittmatter E. Pony Pedro. – Berlin und Weimar: Aufbau-Verlag, 1990. – 360 S.
9. Strittmatter E. Tinko. – Berlin und Weimar: Aufbau-Verlag, 1972. – 420 S.
10. Strittmatter E. Ochsenkutscher. – Berlin: Aufbau Taschenbuch Verlag GmbH, 2000. – 346 S.

Ахмедов А. Место знакового уровня в систематизации окказиональных сложных слов. Статья посвящена исследованию места знакового уровня в систематизации окказиональных слов в современном немецком языке. В ней посредством научного анализа окказиональных слов, отобранных из произведений немецких словесников описываются слои действительных и мнимых признаков, причина или цель, принадлежность, адвербиальные отношения, сравнение по признаку и слой усиления признаков.

Axmedov A. The role of attributes layer in systematization of occasional compound words. The article is devoted to the study of the role of attributes layer in systematization of occasional compound words in modern German. The article describes the layers of actual and imaginary features, reason or goal, belonging, adverbial relations, comparison by attribute and layer of strengthening attributes through the scientific analysis of occasional words selected from works of German word artists.